

РОЗИЯХОН ХОЛХУЖАЕВА

ТУРОН ҚИЗИМАН



Ўш — 2003

РОЗИЯХОН ХОЛХҮЖАЕВА

ТУРОН ҚИЗИМАН



СУЗАК РАЙОНДУК
БОРБОРЛОШТУРУЛГАН
КИТЕПКАНАСЫ

" " 20 г.

Ўш — 2003

Розияхон Холхўжаева шеърий ва ҳикоялар тўпламлари билан китобхонлар меҳрини қозонган шоираларимиздан биридир.

Ушбу тўпلامда Туронзаминдаги тили, дини, дили бир бўлган туркий халқларнинг бирлигини кучайтириш, аёл-қизларимизнинг мислсиз вафодорлигини, ёрга булган садоқатини мадҳ этиш, чинакам инсонийлик, камтаринликни улуғлаш мақсад қилиб қўйилган.

Умид қиламизки, тўпلام китобхонларга манзур бўлади

Юракдаги қонимсан,

Қалбимсан сен, жонимсан.

Ҳар дақиқам, онимсан,

Туркистоним, Туроним!



ТУРОНИМГА

Қарға бўлиб дўст кўзини чуқима,
Турли-туман бўхтонларни тўқима.
Ғанимлар ҳам кулар бўлди устингдан,
Тоғу тошлар кулар бўлди устингдан.

Биринг ака, биринг ука эдинг-а,
Нечун бугун қалбни вайрон этдинг-а.
Йиғлар қалбим, йиғлар дилим, хайронман,
Дилим йиғлаб, қалбим доғлаб вайронман.

Туркистонда аҳил, иноқ эдик-ку,
Ҳиёнат-ла бир-биримиз едик-ку.
Етар энди, қулги бўлиб қолмайлик,
Қалбимизга қайғу, алам солмайлик.

Она замин, кўз ёш тўкиб йиғлама,
Қайда қолди Турон, дея тиглама.
Биз фарзандинг, биз дилбандинг буламиз,
Сен-ла доим қувончларга тўламиз.

Биз акамиз, биз укамиз, қондошмиз,
Бир онадан тарқалганмиз, жондошмиз.
Қулни-қулга бериб энди яшайлик,
Ҳамдам бўлиб дўстлик ошин ошайлик.

ТУРОН ҚИЗИМАН

Миллатчилик қилмагин,
Менинг қалбим тилмагин.



Миллатимни сўрама,
Саволларга ўрама.
Билсанг, Турон қизиман,
Тумарислар изиман.

Манмансираш не керак,
Ватан деб урар юрак.
Бир онадан яралдик,
Ер юзига таралдик.
Ҳар миллатни улуғла,
Қадрига ет, буюкла.

Оллоҳ бизни яратди,
Ер юзига таратди.
Миллатчилик қилмагин,
Менинг қалбим тилмагин.
Билсанг, Турон қизиман,
Тумарислар изиман.

МЕНИНГ ТУРКИСТОНИМ

Менинг Туркистоним,
Қалбда борим, жоним,
Улуғ Туркистоним,
Буюк Туркистоним.
Суюк Туркистоним.

Сенсиз яшаб бўлмас,
Олам нурга тўлмас.
Улуғ Туркистоним,
Буюк Туркистоним,
Суюк Туркистоним.

ОЛТИ ҚИЗ ЎСДИК

Олти гулғунча, олти қиз ўсдик.
«Қиз ҳам фарзандми», деган сўз тўсдик
Дадамга қараб: «Биров хасми қиз,
Қоласиз ёлғиз кекса бўлиб сиз.



Ва яна эссиз, қаровсиз қолиб,
Катта уйларда уйларга толиб,
Танҳолик дардин қалбларга солиб,
Алам-хасратда юрак олдириб,» --
Дея шивирлар баъзи қариндош,
Дадам индамай беради бардош:
«Оллоҳ яратган, Оллоҳ олади,
Бу дунёда ким ёлғиз қолади.
Бефарзандликдан Худо сақласин,
Зурриёдлар фарзанд номин оқласин.» -
Дея шивирлар оҳиста дадам,
Узоқ уйланиб, ташлайди қадам,
Олти қиз ўсдик, олти гулғунча,
Фарзандга меҳри булар-да шунча.

Олти гулғунча, олти қиз ўсдик,
«Қиз ҳам фарзандми», - деган сўз тўсдик.


СЎЗ СЕҲРИ

Оҳ, сўз сеҳри, мени мафтун айладинг,
Оҳ, сўз сеҳри, мени отин айладинг.
Сенинг сеҳринг, сенинг меҳринг дилимда,
Қалбим, борим, сеҳринг, меҳринг тилимда.

Сенга умрим садқа бўлсин, сўз меҳри,
Ҳаётимсан, борлигимсан, сўз сеҳри.
Сенсиз яшаб бўлмас асло, жонимсан,
Вужудумни қамраб олган қонимсан.

СИЗНИ СЕВИБ

Сизни севиб, лек севгимни айтолмай,
Қийналдим мен қалбингиздан тафт олмай.
Йиллар ўтди зорлару армонда,
Рухингиз-ла яшадим дармонда,
Сизни севиб...



Ох, бас, етар азоблар тортганим,
Хижрон, андух, ғамларни ютганим.
Қалбим қон-у, юзимда табассум,
Яширолмам боримда сиз ҳар зум,
Сизни севиб...

БАЙНАЛМИЛАЛ ДҮСТЛИК

- Айт-чи, байналмилал дўстлик нимадир?
— Буюк авлодларнинг нурли иқболи.
Қалбни чулғаб олган мустаҳкам, мангу
Яшаш, курашишнинг синмас қуроли.
- Айт-чи, байналмилал дўстлик нимадир?
— Осмон узра учиб юрган каптардир.
«Тинчлик», «Дўстлик», «Ватан», «Муқаддас»...
Буюк сўзлар тулган дафтардир.
- Айт-чи, байналмилал дўстлик нимадир?
— Унда мангу яшар эллар бахтиёр.
Дунё узра халқлар қўлин ушлашиб,
Бирга яшайдилар бўлиб дўсту ёр.

ЮРАҚДАН СЕВДИМ

Мен Сизни, мен Сизни юрақдан севдим,
Вақт келиб қўлимга гул тутар девдим.
Армонлар, айрилиқ қийнайди бизни,
Ҳар нафас, ҳар дамда кўмсармиз Сизни.

Кечиринг, кечиринг, кечиринг бизни,
Бу дунё тургунча деярмиз Сизни.
Юрак шўрлик азоб чекар кун, туни,
Типирчилар сиғдиrolмай севгини.



РОЗИЯНИНГ БОРЛИГИН ЁНДИРАДИ МУҲАББАТ

Розиянинг борлигин ёндиради муҳаббат
То тирикки, умрини чулғаб олган у абад.
Садо бергин, муҳаббат, абад яшаб дилларда,
Мангуликка қолгин сен дoston бўлиб тилларда.

Ўлиб кетса Розия, қабри ҳеч тинч турмайди,
Нокас, номард ғанимлар иши асло юрмайди.
Чунки эрур абадий вафо, севги, садоқат,
Юракларда ҳукмрон бахтли иқбол, саодат.

Розиянинг юраги ишқ, муҳаббат конидир,
Ёрининг висолида ўлмоқ олий онидир.
Садо бергин, муҳаббат, абад яшаб дилларда,
Мангуликка қолгин сен дoston бўлиб тилларда.

МИНГ КАМ ДУНЁ (Оқ шеър)

Дадамнинг дадаси йўқ,
У ўлган Улуғ Ватан урушида.
Онамнинг онаси йўқ
У ўлган қаҳатчилик йилларида.
Менинг севган ёрим узоқда,
Ёримнинг қўйнида ўткинчи санамлар.
Қизимнинг отаси йўқ –
У ширинсуз инсон меҳрига зор...
Нахот дунё шундайин
Бири кам, камлари кўп.
Афсус, дунё, бири кам эмас,
Минги кам дунёсан.
Шуни билиб қўй...

ҚАЧОНГАЧА

Қачонгача армонларни, оҳ, ичимга ютаман,
Қачонгача келмас ёрни кўзларим тўрт кутаман,
Қачонгача қалбим гулин сен номардга тутаман,
Қачонгача, қачонгача, қачонгача?!





Қачонгача кўчаларга мен термулиб тураман,
Қачонгача овоз келса, шу томонга юраман,
Қачонгача сен ҳақингда ширин хаёл сураман,
Қачонгача, қачонгача, қачонгача?!

МАРҲУМА АЁЛ ИЗТИРОБЛАРИ

Айтарим айтолмай дунёдан ўтдим,
Ҳаётга тўймайин тобутга ётдим.
Нечун мен ўлдим-а, нечун ўлдим-а,
Депсалган гулдайин нечун сўлдим-а.

Қурук тухматлардан ғазабланаман,
Фарзандларим қуриб азобланаман.
Нечун мен йиғламай, нечун йиғламай,
Нечун қалбгинамни энди тигламай?

Ох ёрим, қутулдим деб ўйладингми,
Қабрда тинч ётар деб сўйладингми?
Нечун мен йиғламай, нечун йиғламай,
Нечун қалбгинамни энди тигламай?

Менга бўлган меҳринг кундошга бердинг,
Менга бўлган ризқни кундошга тердинг.
Нечун мен йиғламай, нечун йиғламай,
Нечун қалбгинамни энди тигламай?

Ширин сўзларингни мёндан яширдинг,
Кундошим таърифин мёндан оширдинг
Нечун мен йиғламай, нечун йиғламай,
Нечун қалбгинамни энди тигламай?

Фарзандим йиғласа, йиғлама дейсан,
Кундошим ғамини доимо ейсан.
Нечун мен ўлдим-а, нечун ўлдим-а?
Депсалган гулдайин нечун сўлдим-а?



Фарзандларим жовдираб кўмсайди мени,
Онамни уйғот деб қийнайди сени,
Нечун мен ўлдим-а, нечун ўлдим-а,
Депсалган гулдайн нечун сўлдим-а?

Бехуда ранжитдим, кечиргин мени,
Тинч ётолмаяпман қизғаниб сени.
Нечун мен йиғламай, нечун йиғламай,
Дардли бу қалбимни нечун тигламай?

Мен сени севгандим, севикли ёрим,
Мен сени дегандим, қалбдаги торим,
Нечун мен ўлдим-а, нечун ўлдим-а,
Депсалган гулдайн нечун сўлдим-а?

Айтарим айтолмай дунёдан ўтдим,
Хаётга тўймайин тобутга ётдим.
Нечун мен ўлдим-а, нечун ўлдим-а,
Депсалган гулдайн нечун сўлдим-а?


ДУГОНАЛАРИМ

Менинг тенгдош дугоналарим,
Қисматимиз оғир бўлди-ку.
Бизни севган мард, алп йигитлар
Фунчадайин, афсус, сўлди-ку.

Бахтсизликлар кутди бизларни,
Қалбларимиз нафратга тўлди.
Киймай куёв либосларини
Бизни севган йигитлар ўлди.

Байналмилал дўстлик дейишиб,
Ўз жонини фидо қилдилар,
Она-Ватан тупроғин кўмсаб,
Армонларга бағри тўлдилар.

Кўзларида қанча қонли ёш
Қотганича йиғлаб қолдилар.
Севганига мактублар ёзиб,
Армонларда уйга толдилар.



Менинг тенгдош дугоналарим,
Қисматимиз оғир бўлди-ку.
Киймай куёв либосларини,
Бизни севган ёрлар ўлдилар.
1990 йил

УНУТГИН МЕНИ

Мен сендан олисда юрганимда ҳам,
Сен мени кузатиб турганимда ҳам,
Билиб қўй, ёнингга ҳеч ҳам қайтмасман,
Қайрилиб бир сўзни сенга айтмасман.
Унутгин мени.

Қайларда юргандинг зорланганимда,
Қузимдан ёш оқиб, ҳурланганимда,
Холим сўраб сен келгандингми, айт?
Энди мени дема, йўлларингдан қайт.
Унутгин мени.

Ўйлама: «Йиғлайди менга зорланиб,
Ортимдан эргашиб, менга ҳурланиб,»--
Дея бонг кутарма беҳуда уйлаб,
Қалбимни оғритиб, ёлғонни сўйлаб.
Унутгин мени.

Мен сендан олисда юрганимда ҳам,
Сен мени кузатиб турганимда ҳам,
Мен асло ёнингга ҳеч ҳам қайтмасман,
Қайрилиб бир сўзни сенга айтмасман.
Унутгин мени.

ОХ, РАҲБАРЛАР...

Ох раҳбарлар, бизни бунча сўкасизлар,
Индамасак, обрўимиз тўкасизлар.
Ўйлаб қачон бир сўз бизга айтасизлар,
Шаллақилик қилишдан сиз қайтасизлар?



Андишанинг отин кўрқоқ кўйибсизлар,
Ҳақиқатнинг кўзларини ўйибсизлар.
Адолатни кўрмоқликдан тўйибсизлар,
Куппа-кундуз ор-номусни сўйибсизлар.

«Ойлигимиз тезроқ беринг», - деб сўрасак,
Саволларга кўмиб сизни биз ўрасак,
Беҳудага текшир-текширлар қиласиз,
Юрагимиз эзиб бунча сиз тиласиз.

Асаблар ҳам бардош бермай тугаб қолди,
Қорин очиб, бошлар қотиб, ўйга толди.
«Бир кун пулинг оласан», - деб юзга солди,
Зупидинлик қилиб қонлаб жонни олди.

Оҳ раҳбарлар, бизни бунча сўкасизлар,
Индамасак, обрўимиз тўкасизлар.
Ўйлаб қачон бир сўз бизга айтасизлар,
Шаллақилик қилишдан сиз қайтасизлар?

ИШҚДАН ТЎХТАСИН ҚОНИМ

Дейдиларки, муҳаббат—абад,
Қаримайди, яшарар фақат.
Ундан бошқа ҳар нарса унут,
Чунки қалбда ёнади бир ўт...

Мудом дилда сени деб кезган,
Оҳ азизим, сен дея сезган,
Оҳ қалбгинам, сендан узоқда,
Лек эмасдир у бир тузоқда.

Дунё кезиб борим халақда,
Бормикинсан сен шу фалақда?
Майли, тақдир бизни айирсин,
Қанотимиз чопиб қайирсин.

Сен садо бер, садо бер, жоним,
Захарларга айланар оним.
Фақат сени, сени дегайман,
Майли, ишқдан тўхтасин қоним...

ТЎХТА БИР ОЗ
(Ок шеър)

Ўтар йиллар,
Кетар кунлар,
Сув мисоли
Оқиб кетар.
О ёшлигим,
Шўх ёшлигим,
Тўхта бир оз,
Ўйнаб олай,
Қуйлаб олай,
Ёшлар бахтин,
Севинчларин
Қуйлайин мен.
Ўтмагин тез
Булут каби,
Сўнмагин тез
Ёмғир каби,
Қалбда ёнган
Орзуларим,
Туйгуларим.
Қолмай асло
Армон ичра.
Етайин мен
Орзуимга.
Оҳ ёшлигим,
Шўх ёшлигим,
Ўтмагин тез,
Тўхта бир оз.





ОФАТ БЎЛМАСИН

Дунёда ҳеч офат бўлмасин,
Замин зулматга тўлмасин.
Қанча гуноҳлар қилдик биз,
Ортдан эргашар қонли из.
Тангрим, кечиргин, изн бер,
Айбдор банданга тўзим бер.
Кечир бандангни, Оллоҳим.
Дилдан, тилдандир гуноҳим.
Кўздан ёш эмас, қон оқар,
Тангрим синовчан бир боқар.
Тангрим, кечиргин, изн бер,
Айбдор банданга тўзим бер.

БИР КУН КЕЛИБ...

Бир кун келиб бу дунёдан ўчиб кетарман,
Кенг осмонни мен бағримга кучиб кетарман.
Бу дунёда неки бўлса борини ташлаб,
Дўсту душман - барчасининг юрагин ғашлаб,


Излаб-излаб мени топмай шеърларим ўқиб,
Мен ҳақимда ажиб-ажиб ривоят тўқиб,
Сиз яшайсиз, бу оламда, азиз инсонлар,
Тирикларнинг қадрин билмай, ожиз инсонлар.

Бир кун келиб, бу дунёдан ўчиб кетарман,
Кенг осмонни мен бағримга кучиб кетарман...

БОТИР ЙИГИТ

(Туроннинг биринчи фазогири узганлик
Солижон Шариповга)

Ботир йигит,
Қодир йигит,
Жасур йигит,



Манзур йигит.
Турон ўгли,
Замон ўгли.
Доим бор бул,
Дўстга ёр бул.
Яша, ўғлон,
Бўлгин омон.

СИРГА ХИЁНАТ

Йигит бўғилиб кетди.
Қалбдаги сирни унинг ич-ичини кемирди.

Йўқ, энди у чидолмайди.
Йўқ, энди у ортиқ ичига ютолмайди.
Чунки унинг сирни кундан-кун тоғдек эзмокда,
Юрагига сиғмасдан.

Ва ниҳоят, бугун сир-асрорини дўстига тўқди.
Ўзи уйига кетди
Хувиллаган қалби билан.
Дўстининг қалби дарёдек тошди.
Йўқ, у сирни асло сақлай олмади,
Ўзи сақлолмаган сирни дўсти қандай сақласин.

Ниҳоят, дўсти бу сирни айтди
Умр йўлдошига.
Енгил тортди оғир юкдан қутулгандек.
Ором олиб ухлади.
Аёл ухполмади, қалби эзилди.
Ниҳоят, телефон орқали
Биров сақлолмаган сирни айтди дугонасига.
Сир сарсон бўлди, қалбан эзилди,
Йиғлади, хўрланди
Йигитнинг хиёнатидан.

Танграм, менга тоғдек сабр бер,
Бардош бер,
Тоқат бер.
Токи хиёнат қилмайин
Менга хиёнат қилганга.

ФАНИМИМГА

Ёлғондан чехранг кулади,
Борлигинг минг бор улади.
Қўлдаги гулинг ҳам сўлади,
Ғазабинг шунчалар тўлами,
Сен мени ёмон кўрасан.

Сузларинг оғир ботади,
Милтиқсиз ўқлар отади.
Ҳайратдан борим қотади,
Нафратинг сени сотади,
Сен мени ёмон кўрасан.

ИЗҒИРДИК ИККИМИЗ

Шамоллар еларди, еларди,
Мен томон келарди, келарди.
Унинг ҳам бағри қон, бағри қон,
Унга ҳам керақдир сирдош жон.

Умр бўйи топмади изғиб ул,
Шул сабаб севгига булди қул.
Айрилиқ тақдирда ёзилган,
Йўлимда чуқурлар қазилган.

Шундан ҳам излардим, бўзлардим,
Манзилни доимо кўзлардим.
Топдим деб мен хурсанд бўлганда,
Минг бора тирилиб ўлганда

Кўзларим қамашади кундуздан,
Кўзларим адашади юлдуздан.
Бунча зор этдилар бизларни,
Топмадик ҳеч излаб изларни.



БУЛОҚ

Қабристон ёнида бордир бир булоқ,
Дўстим, бу сўзларга сен солгин кулоқ.
Ажойиб ҳаётнинг мураккаб иши,
Гоҳида лол қолар ҳайратда киши,

Тошбулоқ булоқки, оқар тинмайин,
Инсон ҳам бу сувга мафтун кун сайин.
Дилларга завқ бериб наво айлайди,
Ва минг бир дардга у даво айлайди.

Ўтмишдан меросдир бу азиз булоқ,
Шу ҳақда гап кетса, солишар кулоқ.
Одамдан ҳам сўзлар олдин юради,
Ишонмай шифокор келиб кўради.

Қабристон ёнида бордир бир булоқ,
Дўстим, бу сўзларга сен солгин кулоқ.
Ажойиб, ҳаётнинг мураккаб иши,
Гоҳида лол қолар ҳайратда киши.

* * *

Орадан, ох, ун йил ўтса ҳам бироқ,
Муҳаббат гулларин сақлаб дилда пок,
Йўлингга кўз тикиб кутарман сени,
Кел энди, хўрлама, қийнама мени.

Анҳорда қанча сув окдию кетди,
Нокасу ганимлар муродга етди.
Айрилиқ дунёда ёмондир, ёмон,
Ва лекин мен сени кутарман ҳамон.

Йиғлама, ўксима, ох, менинг дилим,
Забонсиз зорланар, ох, менинг тилим.
Минг-минг пора бўлган бу юрак-бағрим,
Азобдан тебранар гар ўлсам қабрим.

Номардни, одамлар, ер юздан ҳайданг.
Уларнинг Ватани, айтинг-чи, қайдан?
Севдим, деб қалбларни мафтун айлайди,
Ўзларин ошиғу шоҳ деб сайлайди.

АЁЛМАН, АЁЛ

Ёримни соғиниб, ёзсам мен шеърлар,
Нодонлар деманглар: «дардидир эри»,
Кўзларим ёшланиб оқса гар ёшлар,
Отмангиз сиз менга надомат тошлар.
Унутманг, ахир мен аёлман, аёл,
Хаммани ёмон деб, қилманглар хаёл.

Гар чехрам кулса-да қаҳ-қаҳа отиб,
Демангиз юрибди ёрини сотиб,
Ёргинам қалбимнинг тубида кунда,
У менга ҳамроҳдир кундузу тунда.
Унутманг, ахир мен аёлман, аёл,
Хаммани ёмон деб, қилманглар хаёл.

Излабон, тополмай кўзга ёш олсам,
Қалбимга қайғули ҳижронни солсам,
Ёримни соғиниб, тикилиб қолсам,
Ўзимни қийнабон соғинчдан толсам,
Унутманг, ахир мен аёлман, аёл,
Хаммани ёмон деб, қилманглар хаёл.


«Ёрига атабон китоблар ёзди,
Кечаю кундузлар уни деб озди,
Дунёда эр зотин кўрмасми кўзи?»
Демангиз ортимдан «аҳмоқми ўзи»,
Унутманг, ахир мен аёлман, аёл,
Хаммани ёмон деб, қилманглар хаёл.

Бевафо ёргинам борим сеҳрлаб,
Тўрт ойда кетгандир узга ёр излаб.
Мухаббат дунёда абадий учмас,
Мухаббат шайдолар қалбидан кучмас,
Унутманг, ахир мен аёлман, аёл,
Хаммани ёмон деб, қилманглар хаёл.

Кечалар ухламай ёстикни кучсам,
Хаёлан гул териб самода учсам,
Демакки, сен борсан, мангусан абад,
Қалбимда яшарсан, такрорсан бот-бот,
Унутманг, ахир мен аёлман, аёл,
Хаммани ёмон деб, қилманглар хаёл.



БЕҲЗАК РАЙОНДУК
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҚИСМИ
ТАЪЛИМ ОЛТИНҚИТАБИ
ТАЪЛИМ ҚИСМИ
20__ г.



Ёримни соғиниб ёзсам мен шеърлар,
Нодонлар деманглар: «дардидир эри».
Кўзларим ёшланиб, оқса гар ёшлар,
Отмангиз сиз менга надомат тошлар.
Унутманг, ахир мен аёлман, аёл,
Хаммани ёмон деб, қилманглар хаёл.

ТЎРТЛИКЛАР

Мен сени севаман, севаман, жоним,
Сенинг борлигингдан қонаман, жоним.
Ҳар бор кўрганимда ёнаман, жоним,
Бахтинг учун сендан тонаман, жоним.

* * *

Эй қалбим, баҳордан умидингни уз,
Бевафо ёр қилди баҳоримни куз.
Афсуски, изғирин қалбим тубида
Бир лола ўсади ҳар кеча-кундуз.

* * *

Қизғалдоқни излама, қара,
Бағримга беркинган шу дам.
Юрагимдек бағри қон, яра,
Шундан доим кўзларида нам.

* * *

Кечалари ухламай йиғларлар,
Афсус, мендай бағри қон юлдузлар.
Парда тутиб қалбини тигларлар,
Қуёшу ой кечаю кундузлар.

* * *

Ўртар хижрон, аламда борлигим,
Бевафо ёр ортига қайтмасдан.
Билмасмикан мен ишққа зорлигим,
Ширин сўзни бир умр айтмасдан.

* * *

Замонамдан айланай, топилмас меҳригиё,
Замонамдан ўргилай, топилмас сеҳригиё.
Йиғлабон мен, излабон топмадим шеърни деган,
Шеър назмига ҳомийни кўрмадим мен ғам еган.



БАРИБИР СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Оппок қорлардан гавҳар тераман,
Қул етмайдиган қаср кураман,
Қор маликаси бўлиб юраман,
Сен билан бирга даврон сураман,
Барибир сени яхши кўраман.

Баҳорда сенга лола тераман,
Гуллардан севги қасрин кураман,
Гул маликаси бўлиб юраман,
Севги вафони сен-ла сўраман.
Барибир сени яхши кўраман.

Ёз фаслида мен мева тераман,
Йулингга кўз тикиб тураман,
Садоқат, меҳрим билан юраман,
Хаёлан сен-ла суҳбат кураман.
Барибир сени яхши кўраман.

Афсус, қайсар куз муродга етди,
Улкан вафо қасри бузилиб кетди,
Бевафо ёрим қалбим хун этди,
Менинг йулимни қора тун этди,
Барибир сени яхши кўраман.

АЁЛ БЎЛИБ

Аёл булиб, севган ёримга ёкмадим,
Аёл булиб, тилла тақинчоқ тақмадим.
Аёл булиб, тонгдек ёришиб отмадим,
Аёл булиб, севги сеҳрига ботмадим.

МУҲАББАТ СЕҲРИНГ

Садоқат, севгидан қурсам мен қаср,
Севгига умрбод бўлганча асир.
Сен мenden аяма муҳаббат сеҳрин,
Бутун борлигим-ла туяйин меҳринг.

МЕҲМОНМИЗ

Мен билган, билмаган ғанимларим кўп,
Йўлимга тўғаноқ бўлишарлар хўп.
Яхшига, ёмонга бирдайдирман мен,
Санчмагин игнангни, наштарингни сен.

Ёлғизлик бағримни кунда азоблар,
Сочмангиз, ғанимлар, менга ғазаблар.
Сизсиз ҳам кўп азоб тортганим етар,
Ахир биз мангумас, меҳмонмиз кетар.

ОППОҚ ҚУШИМ

Қанотлари қайрилибди,
Ўз жуфтидан айрилибди,
Оппоқ қушим, оқ қушим.

Юрак-бағри эзилибди,
Ёлғизлиги сезилибди,
Оппоқ қушим, оқ қушим.

Бевафони ёр этибди,
Бесас, беун ул кетибди,
Оппоқ қушим, оқ қушим.

Шахло кўзли ёлғизим,
Чиройга бой ёлғизим,
Оппоқ қушим, оқ қушим.

Қанотлари қайрилибди,
Ўз жуфтидан айрилибди,
Оппоқ қушим, оқ қушим.

* * *

Ҳақиқатни сўйдилар,
Икки кўзин уйдилар,
Қул-оёғин боғлашди,
Юрак-бағрин доғлашди.
Ўзин осиб кўйдилар,
Ундан роса тўйдилар.
Ҳамон ўлмас ҳақиқат,
Қийноқда яшар фақат.

МУНДАРИЖА

Туронимга.....	3
Турон кизиман.....	3
Менинг Туркистоним.....	4
Олти қиз ўсдик.....	4
Сўз сеҳри.....	5
Сизни севиб.....	5
Байналмилал дўстлик.....	6
Юракдан севдим.....	6
Розиянинг борлигин ёндиради муҳаббат.....	7
Минг кам дунё.....	7
Қачонгача.....	7
Мархума аёл изтироблари.....	8
Дугоналарим.....	9
Унутгин мени.....	10
Ох, раҳбарлар.....	10
Ишқдан тўхтасин қоним.....	11
Тўхта бир оз.....	12
Офат булмасин.....	13
Бир кун келиб.....	13
Ботир йигит.....	13
Сирга хиёнат.....	14
Фанимимга.....	15
Изғирдик иккимиз.....	15
Булок.....	16
Аёлман, аёл.....	17
Тўртликлар.....	18
Барибир сени яхши кўраман.....	19
Аёл бўлиб.....	19
Муҳаббат сеҳринг.....	19
Меҳмонмиз.....	20
Оппоқ кушим.....	20

Розияхон Холхужаева

ТУРОН ҚИЗИМАН

Редактор: Нилуфар Хабибилло қизи.
Тех.редактор: Раимбердиева П. А.
Корректор: Насиба бону

Басмахонага берилди 2.01.2003 й.
Босишга рухсат этилди 14.01.2003 й.
Формати 60/84 1/16. Босма табоғи 1.
Буюртма 1000. Нусхаси 1000.

Ўш вилоят басмохонаси
Ўш шаҳри, Курмонжон датҳо кучаси 209.

